

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 62 (6804)  
1997 йил, 13 август, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда



Ватан ва она, меҳр ва юрак, олим ва олам, илм ва мактаб, шеър ва мусиқа сўзлари каби бир-бирига эгизак болакайлар билан учрашдик. Уларнинг исмлари Фотима-Хусан. Фотимахон билан Хусанбойнинг севинчлари чексиз. Бунинг жуда муҳим сабаби бор. Мустақиллигимизнинг олти йиллиги байрами бир умр эсларидан чиқмаса керак. Чунки улар мана шу қутлуг кундан бошлаб мактабга бордилар, 1-синфда ўқишни бошлайдилар. Шунинг учун ҳозир улар 1 сентябрни тезроқ келишини бетоқатлик билан кутмоқдалар.

Мана шу мурғак туйғулардан кечаётган ҳаяжонларга ошно бўлмоқ учун ўзимизнинг болалигимизга бир лаҳза қайтмоқ учун биз уларни суҳбатга тортдик.

Фотима-Хусаннинг дилидаги гаплар бизнинг жажжи муштарийларимизни қизиқтириши тайин. Негаки, мактабга тайёрланаётган болаларни барчасида айни пайтда бир хил туйғу кечаётир. Шундай эмасми?

— Салом Фотима, салом Хусан.

— Ассалому алайкум.

— Фотима-Хусан, айтинг-

лар-чи, ҳозир нима қиляпсизлар?

— Ҳозирми, мактаб-мактаб уйнаймиз. Фотиманинг қуғирчоғига ўқишни, ёзишни, шеър айтишни ургатяпмиз.

— Ўзларинг ўқишни, ёзишни биласизларми? Ҳали мактабга бормайсизлар-ку.

## Тараддуд

яхшими?

— Яхши-ю қандай ўқир эканман деб уйланаймман.

— Фотима, сен-чи?

— Мен ҳам.

— Мактабнинг яна нимаси яхши?

## ОЗОДЛИКНИНГ ЭГИЗАКЛАРИ

— Мустақиллик байрамадан кейин мактабга борамиз. Дадам бизга мактаб формаси, сумка, қалам, чизгич, учиргич, расм қаламлар ва дафтар олиб келди. Ҳаммасини сумкамизга солиб қуйибмиз. Хусан билан икковимиз мактабда битта партада утирамиз. Ўқишни, ёзишни урганамиз.

— Ҳали ўқишни билмайсизларми?

— Биламиз, расмларга қараб ўқишни, санашни, шеър айтишни биламиз.

— Буларни қасрдан ургандингиз?

— Дадам олиб келган китоблардан, расмлардан.

— Хусан, мактабга бориш

— Чиройли кийиниш, сумка кутариб мактабга бориш. Кунгироқ чалинади. Муаллимимиз, янги урғоқларимиз булади. Мактабдан келиб ойимларга ёрдам берамиз. Уй вази фасини тайёрлаймиз. Сумкамизни, дафтар-китоб, қаламларимизни яхши қурамиз. Мактабдан ўқиб келганимизни дадамларга айтиб берамиз. Кейин қуғирчоқларимизни уйнаймиз...

Биз 461-болалар боғчаси тарбияланувчилари билан яна анча гаплашдик. Уларнинг орзулари покиза. Билим олишга ҳаваслари баланд эди. Хайрлашаётиб, биз булажак ўқувчиларга мактаб сари оқ йул тиладик.

### Истак

## ФАРЗАНД ИҚБОЛИ МУҲИМРОҚМИ, ЁКИ МОЛ-ДУНЁ?

Мактаб ўқувчиларининг ёзи таътили ҳали давом этмоқда. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 293-урта мактабда ҳам «Ором» номли оромгоҳ ташкил қилинган.

Бу ерда таътилни утказаётган болалар шу яқин уртада жойлашган «Роҳат» кулига саяҳат қилишади, у ерда маза қилиб чўмилишади. Кул ёнидаги боғда сайр қилишади. Гоҳида боғдаги ишларда боғбонга ердам беришади.

Хуллас, оромгоҳда дам олаётган ўқувчи соғлом усмоқда. Аммо мактабнинг енгинасида жойлашган «Сувчи» номли бозорчани оралаб қолсангиз, ҳозиргина яйраб турган дилингиз бирданига хуфтон булади. Нега дейсизми? Чунки бу ерда арзимаган товарлар билан савдо қилаётган, кузлари олазарақ, молини бетиним бор овозда бақириб-чақираётган мактаб ўқувчисига назарингиз тушади. Бу ҳолни бугунги кунда деярли барча бозорларда кузатиш мумкин.




Боласини бозорга солиб қуйган ота-оналар фахмларини бир ишга солиб, танасига чуқурроқ уйлаб қуришса яхши буларди.


Бир ҳовуч бойликдан воз кечиб, фарзанд ҳаётини изга солиш учун ешгина гудагини бозорда сарсон қилиб қуйган волидаи муҳтарама онахонлару отахонларга инсофу диенат тилаб, келажакда соғлом авлод етказиб беришини тилардим.

Хурमतой ШОМУРОВА.

Собир Раҳимов туманида жойлашган 100-маҳсус мактаб-интернати ходимлари мустақиллигимизнинг олти йиллиги нишонланадиган кунда ўз болаларига маҳсус сузиш комплексини тақдим этади. Бу ерда болалар катта ва кичик сузиш ҳавзаларида маза қилиб чўмиладиган бўлдилар.

Сураткаш Р.АЛЪБЕКОВ.





● Синфхоналар шундайлигича турибди

● Полни бўйаш учун маблағ етмай қолди

● Тўрт йилдан буён иситиш тармоғи ишламайди

Пахтакор туман Халқ таълими бўлими мудири Сулаймон Эшгоев билан мактабларни таъмирлаш ишлари аҳволи ҳақидаги суҳбатимиз қисқа бўлди. Туманда 16 та ўрта умумтаълим мактаби, 1 та лицей, 1 та интернат, 9 та болалар боғчаси мавжуд. Суҳбатдошим таъкидлашича, барча мавжуд таъкидлаш ишлари тула тугалланган. Халқ таълими бўлими балансидаги 5 та мактаб, 9 та боғча, 1 та ижодий марказ, ёпиқ сув ҳавзасида таъмирлаш ишлари 25 июлгача 70 фоизга бажарилган.

Қишлоқ хужалиги корхоналари тизимида қарашли Ал-Хоразмий номли 13-ўрта мактаб (оталиқ ташкилот «Оқбулоқ» деҳқон фермер хужалиги раҳбари Синдор Норчаев) ҳамда 7-ўрта мактаб (оталиқ ташкилот «Навбахор» деҳқон фермер хужалиги раҳбари Босар Тожиев)ларда таъмирлаш ишлари барвақт ниҳояси-

## СЕНТЯБРЬ ЭШИК ҚОҚМОҚДА-Ю...

га етказилган.

Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хужалиги бошқармаси бошлиғи М. Анорбоевнинг курсатмасига биноан вилоят қишлоқ хужалиги корхоналари 123 та мактабда старлича таъмирлаш ишларини олиб боришлари керак. Ана шулардан 42 та мактаб замонавий услубда, 61 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. 11 та мактаб авария ҳолатида.

Пахтакор тумани бўйича 11 та мактаб биносини таъмирлаш бевосита қишлоқ хужалик корхоналар раҳбарлари зиммасига юклатилган. Бу гоёт муҳим ва долзарб ишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, яъни бош қовуштиришдек масъулият бевосита туман Халқ таълими бўлими раҳбарияти зиммасида турибди.

Шуни айтиш керакки, туманда бу борада ишлар кунгилдагидек эмас. Купгина ҳолларда хотиржамлик, узи буларчилик кайфияти сезилмоқда. Биргина мисол: А. Икромов номли деҳқон-фермер хужалиги худудида М. Горький ҳамда Улугбек номли 3-ўрта мактаблар жойлашган. 11-мактабда 500 га яқин, 3-мактабда эса 800 га яқин бола уқийди.



11-мактабда мослаштирилган, 3-мактаб замонавий биноларда жойлашган.

— Мен раҳбарлик қилаётган синфда 24 нафар бола уқийди, — дейди 21 йиллик иш тажрибасига эга булган тарих муаллими Мусратилла Холжигитов, — синф хонани таъмирлаш учун ҳар бир отонадан улар розилиги билан 100 сумдан жами 2400 сум пул йиғиб олдим. Бу пулга буюқ олиб, узингиз куриб турганингиздек, парталарни, девор, панелларини шахсан узим вақт ажратиб буюб чиқдим. Полни бўйаш учун яна маблағ етмай қолди. Полни бу ҳолда қолдириб бўлмайди. Ойлик маошимни кутиб турибман. Яна камида 2000 сум пулни ёнимдан сарфлаб таъмирлашни ниҳоясига етказмасам бўлмайди.

Бу ҳол фақат менинг синфимда эмас, Урозбоқ Пардаев, Маҳбуба Асророва каби ҳамкасбларим ҳам мен каби ёнларидан пул сарфлаб, таъмирлаш ишларини енг шимариб, узлари бажаряптилар.

Иккинчи синф ўқитувчиси Гулнора Абдуллаева биринчилардан бўлиб синф хонасини таъмирдан чиқарибди. Айтишларича, дурустгина қилиб бажарилган таъмирлаш ишларида ота-оналарнинг беш минг сум нақд пуллари кетибди. 3-мактабнинг хужалик ишлари мудири М. Абдуллаевнинг айтишича, туман Халқ таълими бўлими томонидан мактаб биносини таъмирлаш учун 300 килограмм алебастр, 20 кв.м. ойна, 6 кубометр раствор (оҳақли аралашма) ажратилибди. Айтишларича, биргина спорт зали учун 100 кв.м. га яқин ойна зарур экан. Ана энди узингиз уйланг, бу йил ҳам спорт зали қиш давомида хувиллаб туриши аниқ.

3 қаватли мактаб биносининг заллари, деворлари нураб тушмоқда. Шундай булсада, таъмирлашга қўл урилмай турибди. Спорт залининг поли чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Мактабда 4 йилдан буён иситиш тармоғи ишламайди. Бунинг натижасида қишнинг аёзли кунларида дарслар 35 минутга қисқартирилмоқда. Бунга асосий сабаб трубаларнинг ишдан чиққанлиги ва сувнинг етишмаслигидадир, дея таъкидлашди. Мактаб уз қозонхонасига эга бўлиши ва иситиш тармоғини таъмирлаш учун 600 минг сум маблағ зарур буларкан. Бунча маблағни оталиқ ташкилот А. Икромов номли хужалик ҳали бери топиб бермайдиганга ухшамайди.

11-мактабда дарслар қандай тугалланган бўлса, синфхоналар шундайлигича турибди.

Таъмирлаш ишлари бошланмаган. Туман Халқ таълими бўлими мудири С. Эшгоевнинг айтишларича, мазкур мактаб биноси туман ҳокимининг 21 июлдаги қарорига мувофиқ қишлоқ врачлик амбулаторияси биносига кучирилар экан. Шу уринда ҳақли савол тугилади. Хуш, мослаштирилган мактаб биноси яна бир мослаштирилган жойга кучирилиши аниқ экан, бу масала тегишли мутасаддилар олди-га барвақтроқ қўйилиб, тезроқ ҳал этилади.

Қишлоқ врачлик амбулаторияси биносининг хоналари синфхоналари учун мослаштирилиши, таъмирланиши керак-ку! Айтишларича, Республика Миллий банки хужаликдаги иккала мактабнинг таъмирлаш ишларини зиммасига олибди. (Биз хужаликка борганимизда, ҳар икки мактаб раҳбарлари Тамара Соатова, Зулфия Солиеваларни ушбу масалада чопиб юрганлари туфайли учрата олмадик). Бундан қувондик, албатта. Лекин бизнингча бундай хайрли ишнинг эртароқ булгани маъқул эди. Бунинг учун яна мутасадди раҳбарларнинг уз вақтида жон койитиб олиб-югуришлари, фарзандлари келажаги учун жонкуярроқ бўлишлари талаб этиларди, холос.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
**Жиззах вилояти,**  
**Пахтакор тумани.**

### Бўш ўтирма

*Болалар! Таътилда мазза қилиб дам олаётгандирсизлар-а? Таътилингизни ҳаракатли ўйинлар билан қувноқ ўтказсангиз, ўқишни шунчалик гайрат билан, чанқоқлик билан бошлайсиз. Қуйида Сизга таклиф этаётган ўйинимиз жуда қизиқ. Уларни ўйнасангиз, чаққон, топқир бўласиз. Ўйинга марҳамат.*

### ТУЛКИЛАРНИ ТОПИШ

Бу ўйин дарахтзорда ўтказилиши керак. Онабоши ўйин ўтказиладиган жойни олдиндан танлаб қўйиши, бунда тулкилар яширина оладиган жойларнинг кўпроқ бўлишига эътибор бериши керак. Ўйинни ўтказишда 1-2 та халтачага солинган рангдор қозон парчалари ёки похол бўлиши лозим. Ўйинга купи билан 15-20 ўқувчи қатнашади.

Ўйиннинг тавсифи.

Чаққонроқ югурадиган ўйинчилардан 1-2 нафари тулки қилиб тайинланади. Тулкичаларни олиб, улардаги қозон парчалари (ёки похол)ни йулларига сеп-сеп 1-1,5 км.гача югуриб кетадилар. Қолган ўйинчилар овчи буладилар. Тулкилар жўнагандан кейин 10-15 минут утгач овчилар уларнинг кетидан йулга тушадилар ва уларни қидириб топишга ҳаракат қи-

ладилар. Агар овчилар тайинланган вақт (30 минут ёки 1 соат) ичида тулкиларни топсалар ютган, топа олмасалар эса ютқазган ҳисобланадилар.


**Методик кўрсатмалар:**

Ўйналадиган ер қанчалик пана жойларга бой бўлса, қанчалик хилма-хил бўлса ўйин ҳам шунчалик мароқли ўтади. Тулкилар ҳар 10-15 қадамдан кейин из қолдиришлари керак.



# БОЛАЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙУҚ

«Муштум» журнали бош муҳаррири, ёзувчи ва публицист Ашурали Жўраев билан суҳбат



уларнинг мунтазамлигини ошириш лозим.

— «Танқид — келажакнинг меваси», — дейишади. Сиз буни қандай тушунасиз?

— Танқид қилиш учун ҳам, танқидни тўғри қабул қилиш учун ҳам инсон юксак маънавият ва маданият эгаси бўлиши керак. Шундагина танқид мева бериши мумкин. Акс ҳолда танқид қиламан, деб душман орттирасиз холос.

— Ашурали ака, мана ҳозир йирик бир журналнинг бош муҳарририсиз. Лекин Сиз ҳам бир вақтлар бола бўлгансиз. Келинг, болаликда кечган ҳаётингиз ҳақида бирор қизиқарли воқеани сўзлаб берсангиз.

— Болаликнинг баҳоси йуқ! Афсуски, болалик утиб кетгандан сунг унинг қадрига етамиз. Энди болаликда булган ҳам қизиқарли, ҳам ибратли воқеаларни эслаб адо қилиб булмайди. Масалан, ун ёшлигимда шундай бир воқеа булиб утган. Хужалик ерлари ҳатто ариқ-зовурлар буйлари ҳам текисланиб, пахта экилганлиги туфайли молларни эски қабристоннинг урнида боқардик. Бир оқшом молларни ҳайдаб келаятиб, қабристоннинг чеккароғидан икки қулочча келадиган арқон топиб олиб, уйга олиб келдим. Раҳматли опам: «Кимники» деб сурадилар. «Топиб

олдим» дедим. Сунг у киши яхшилаб танбех бериб: «Қаердан олган булсанг, уша жойга элтиб қуйиб келгин», — дедилар.

Қош қорайганда жимжит қабристонга бориш қанчалар даҳшатлигини ушанда тушунганман. Онам айтганидек, арқонни топиб олган жойимга қуйиб, уйга қандай етиб келганимни билмайман. Шу-шу йулда ётган, ёки эгаси йуқ нарсани олмайдиган булдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг яқинда йулакда ётган юз долларни куриб... куз олдимда уша воқеа гавдаланиб, индамай утиб кетдим. Чунки, бир марта берилган яхшигина танбех бир умрга етади.

— Сиз машҳур санъаткор Ботир Зокиров ҳақида «Юрак бўронлари» деган ажойиб бир қисса ёзгансиз. Шу асарнинг яратилишига нима туртки бўлган?

— Мен 1983 йил раҳматли Ботир ака билан учрашиб, суҳбатлашганман. Суҳбатнинг бир қисми уша вақтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган. Қолган қисмини Ботир аканинг улимидан сунг, яъни 1985 йил 26 апрелда — у кишининг туғилган кунинда эълон қилинди. Мақолани таниқли шоиримиз Абдулла Орипов уқиган эканлар, ол-

дин табриқладилар, сунг Ботир Зокиров ҳақида китоб ёзишни таклиф қилдилар. Абдулла аканинг турткисидан руҳланиб, ишга жиддий киришдим... Машҳур санъаткор ҳаёти ва ижоди қанчалик қаламга олинганлигини китобхон баҳолай қолсин.

— Болалар адабиётидан кўнглингиз тўладими?

— Кўнглим тўлади-ю, лекин кўнглининг бир чеккасида жиндай армон, укинч бор-да. Ҳамон болалар қулма-қул уқийдиган каттароқ асар етишмайдигандек туюлади.

— «Тонг юлдузи» газетаси ҳақида фикрингиз.

— Бу газета менга болалигимни эслатиб туради. Умида опа ҳамини газетани яхшилаш учун куюб-ёниб юрадилар ва бунга қисман эришяптилар. Бу даврда бош муҳаррир бўлиш осон эмас.

— XXI аср болаларини қандай тасаввур қиласиз?

— Палаги тоза қовун ширин ҳосил беради. Биз азал-азалдан палаги тоза миллатимиз. Янги аср болалари орасидан Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоийлар етишиб чиқишига ишонаман. Айниқса, спортда жаҳонни лол қолдирадиган ёшлар кўпаяди, улар Ўзбекистон довуғини оламга ёядилар.

Биз XXI асрда маънавияти юксак, маданияти баланд халқ сифатида жаҳонга танилишимизга ишонаман.

Дилрабо ДАВЛАТОВА суҳбатлашди.

— «Муштум» журнали халқимиз севиб уқийдиган журналлардан бири. Айтинчи, журнал саҳифаларида болаларга ҳам жой ажратилганми?

— Албатта, журналнинг болаларга аталган «Миттивой» саҳифаси бор. Унда болаларнинг узига хос қулги ва ҳажв олами доимо ёритиб борилади. Ҳангома-лар, шеърлар, латифалар билан бирга ранг-баранг карикатуралар ҳам саҳифани безайди. Лекин «Миттивой»ни мунтазам бериб боришга имкониятимиз булмаяпти.

— «Тонг юлдузи»да ҳам

«Муштум» йўналишида «Зирапча» саҳифаси ташкил этилди.

— Хабарим бор. Бу хайрли ишни фақат қутлаш мумкин. Келажакда «Зирапча» билан «Миттивой» уртасида махсус саҳифа алмашишни йулга қуйсак айни муддао булади.

— Болалар ва ўсмирлар учун махсус ҳажвий журнал яратиш вақти келмадики?

— Аслида шундай журнал ёки газета керак. Лекин ҳозирги иқтисодий аҳволни ҳисобга олиб, бор имкониятдан унумли фойдаланиш зарур. Болалар нашрларининг ҳажвий саҳифаларини яхшилаб,

## ЖИН БОЛА

Бу воқеа бобомнинг ёшликларидан булган эмиш. Болаликларидан роса бобом дангаса булиб, ота-оналари айтган гапни ҳеч қилмас эканлар.

Бир куни эски мактабдан қайтиб келиб, сўрида чузилиб ётсалар, мушукка ухшаб кетадиган бир одамча келиб, рупараларига утириб олибди. Бобом қурққанларидан бақириб юборибди. Шунда ҳалиги одамча тилга кириб, «Мен жиннинг боласиман, жуда зеркиб кетдим. Қарасам, бекор ётган экансан, гаплашиб утирамиз деб келдим олдинга», деди. Азбаройи қурққанларидан бобомнинг тили сузга қовушмас эмиш. Ҳалиги жин бола бобомни далага бошлаб чиқибди-да, пишиб ётган катта бугдойзорни курсатиб, «кел, икковлашиб, уйнаб-уйнаб уриб ташлаймиз» — дебди. Дангасалик касалига мубтало бобомга бу иш хуш келмабди. Шундай булса-да, қандайдир сеҳр қулларига ўроқ тутқазибди.

Сал утмай, бош кутариб

## Кунлардан бир куни

қарасалар, жуда кўп бугдой уриб ташлаганмишлар. Тушлик қилиш учун уйга қайтган оналари билан дадалари бу ҳолни куриб, кузларига ишонмабди. Ахир, дангаса уғиллари ярим кунда уриб ташлаган

бугдойни, бобомнинг дадалари зур бериб ҳаракат қилсалар, 10 кунда булармишлар.

Шундай қилиб бобомни дангасалик касалидан жинлар қутқарган экан.

ШОҲДИЛ.

## АЖИНА МОМО

Бир куни даладан қайтаёт-сак, оппоқ гуллаган чангал остида бир кампир соч тараб утирарди, ҳаво роса иссиқ



Болалигим — энтикар бахтдан, Хурлигимга тўлар олти ёш. Ҳақиқатман келажак кутган, Ассалом эрк, ассалом куёш.



Болалигим — зангори осмон, Учаётган қушлар ҳайрати. Қулаётган қорачигимда, Турон деган Ватан сурати.

эди. Менинг разм солиб, чангал остига қараётганимни қурган дугоналарим ҳам уша томонга қарашди. Ва хайрон булиб мандан сурашди:

— Намунча, уёққа қарайвермасанг, бирор нарсани куриб қолдингми?

Мен уларнинг саволидан ҳанг-манг булганча дугоналаримга қарадим. Йуқ, уларнинг юзи хотиржам эди.

Шундагина соч тараётган кампир фақат менинг кузимга куринаётганини сезиб қолдим. Айтмасам ҳам булар экан-ку, лекин мен бу воқеани дугоналаримга айтдим. Шу пайт уларнинг орасидаги энг шаддоди Кумри катта кесакни олиб, чангалзор томонга улоқтирди. Нима булди, дегн, кесак қайтиб келиб, Кумрининг пешонасига тегди. Мен энди кампир томонга қарашга қурқиб, тус-туполон билан чошиб кетаётган қизлар гуруҳига қушилдим.

Эртаси куни Кумрининг оёқ-қуллари ишламаётганини эшитиб, қурқувдан дағ-дағ титтардим. Бувимга бор воқеани айтиб берсам, улар: Ҳа, қизим, ажина момога дуч келибсан-да, у беозор кампир, фақат унга текканларни тинч қуймайди, — дедилар жилмайиб.

ҲАЛИМА.

## «ОҚ СУВ»ДАГИ ЛОЙҚАЛАР

«Оқ сув» жамоа ҳужалигининг Суфи қишлоғидаги болаларни куриб, ич-ичимдан ачиниб кетаман. Нега деганда, бу қишлоқда илгари артэзиан қудуғидан аҳоли сув ичарди, мана икки йилдирки, қудуқдан сув чиқмай қолган. Ариқдан келадиган сувимиз бутана-лойқа. Ундан бир кун илгари челақларга солиб қуйсак, эртасига сал тингандек бўлади, таъми ҳам галатироқ. Биз катталарга-ку, майли, уша сувга мослашаймиз. Аммо, кичик угил-қизларимиз сувимиз ёмонлигидан турли касалликларга чалинишяпти. Айниқса, ҳозирги иссиқ кунда угил болалар ута лойқа сув оқадиган ариқларда чумилишиб, ҳат-

то, чанқаганларида ташналикни босиш учун ичяптилар.

«Оқ сув» жамоа ҳужалиги раҳбарлари Суфи қишлоғига келишса бутана-лойқа сувни куришиб, курмасликка оладилар. Уч куприк тумани санэпидстанцияси назоратчилари эса умуман қишлоғимизга қадам босмайдилар.

Фарзандларимиз меҳрибонни Зирапча! Энди узинг жамоа ҳужалигимиз раҳбарлари ва санэпидстанция бошлиғини уйқудан уготиб қуйсанг. Менимча, улар водопроводи бор салқин жойда ҳуррак отишаётганга ухшайди.

**Зарифа УМРЗОҚОВА,  
Фаргона вилояти, Уч  
кўприк туманидаги «Оқ  
сув» жамоа ҳужалигининг  
Суфи қишлоғида яшовчи  
нафақахўр.**

Ш. Рашидов туман болалар ва усмирлар уйи раҳбари Абдуолим Каримовни уқув биносини таъмирлашдек муаммо олдида боши қотиб турган бир пайтда учратдик. Туман Халқ таълими булими ҳайҳотдек бино учун атиги икки челақ буюк, бир қопдан оҳак ва алебастр ажратибди. Август ойи бош-

ри ер чизиб қолди. Уқув режаси бўлмагач, буюғи узингизга маълум.

Шуниси ажабланишлики, мазкур болалар ва усмирлар уйига туман марказидаги мактабларнинг уқувчиларигина жалб этилган холос. Бундан икки йил аввал туман ҳужаликларидида жойлашган 13-мактабда тури-

## ЙЎҚОЛГАН «ИШ РЕЖАСИ» ЁКИ Ш. РАШИДОВ ТУМАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЙИ ИШ ФАОЛИЯТИДАГИ НУҚСОНЛАР ҲАҚИДА

ланган бўлса-да, таъмирлаш ишлари эндигина бошланган.

А. Каримовнинг таъкидлашларича, мавжуд 26 та тугарақда 1996-97 уқув йили машғулотлари 1 июль кунини якунланган. Уқув йили давомида 640 уқувчи тугарақ машғулотларига иштирок этибди.

Бизни қизиқтиргани шу бўлдики, йиллик машғулотлар қайси режа асосида ва қай тарзда утказилган? Йиллик иш режасини сураганимизда, туман болалар ва усмирлар уйи раҳба-

зм, 2-мактабда авиамоделчи, 5-мактабда сураткашлик тугарақлари ишлаб келарди. Мазкур тугарақларга уқувчиларнинг қизиқишлари гоёт қатта бўлиб, машғулотлар гавжум эди. Афсуски, бу тугарақлар эътиборсизлик ва лоқайдлик натижасида уз-узидан йўқ бўлиб кетди. Ишлаб келаётган тугарақлар фаолиятининг самараси, яъни меваси ҳақида раҳбардан сураганимизда у киши шахмат тугарағи буйича бироз муваффақиятдан бошқа ҳеч нарса кур-

Мактаблар  
Кутиси

сата олмай елка қисичдан нарига ута олмади.

Туман «Болалар ва усмирлар уйи» уз номи билан ҳамisha уқувчилар гавжум буладиган жой эмасми? Ш. Рашидов туман Халқ Таълими булими раҳбарлари ҳеч бўлмаганда мазкур маърифат ва билим уюғининг иш режасини бир-бир варақлаб, уни уқувчиларнинг ёзги таътил кунларига мослаштирилган ҳолда ташкиллаштириб қуйганларида эди, улкан сарой бутунга келиб, ҳайҳотдек буш турмаган буларди. Улар томонидан яна озгина эътибор булганида машғулот утказиладиган хоналарни таъмирлаш уқитувчиларга қараб қолмаган, заллардаги пол тахталари ҳам чуқиб кетмаган буларди. Ё шундай эмасмикин?

**Абдуманноп АЗИМОВ,  
Махсус мухбиримиз,  
Сирдарё тумани, Ш.  
Рашидов тумани.**

## ЗООГРАММАЛАР

ҚУЁН:

— Туя қариндош лабдан,  
Арслон яқин мўйлабдан.  
Эшак ошна кулоқдан,  
От дўст чопқир оёқдан.  
Қўрқоқман-да, шу

дарддан ЧУВАЛЧАНГ:

Ҳеч ким дўстмас юракдан!

СИЧҚОН:

— Кўриб турибсиз, энди  
Митти бўлиб қолганман.  
Яхши қаранг, гавдамни, —  
Ўтмишда фил бўлганман!

— Ерни тилиб ташлайман,  
Қанча бўлса ҳам тақир.  
Хўкизлар-чи ҳайданни  
Мендан ўрганган, ахир!

ЧИТТАК:

— Чигирткани еб кўйдим,  
Зўр эканман, деб кўйдим.  
Ҳатто, бургут келса дуч,  
Етар энди менда куч!  
Йўлдош СУЛТОН.

Г.БАЙКО

САШКО

Трамвайда бемалол  
Сашко ўтирар эди,  
Олдида бир кекса чол  
Энкайиб турар эди.

Одамлар бўлар ҳайрон:  
— Бола турса бўлмасми?  
— Тик турибди отахон, —  
Ёшин хурмат қилмасми?

— Нима бўлибди, — дер  
у, —  
Имтиҳонлар тугаб, биз  
Ўқишлардан кутулиб,  
Таътилда дам оляпмиз!  
(Украинчадан таржима)

Ассалому алайкум Зирапча! Сени иш бошлаганингдан жуда хурсанд бўлдим. Сабаби сендаги яхши-яхши ҳангома ва латифаларни ўқиб, дам олаяпман. Шу мақсадда ҳисобли дўст айрилмас, деган гапни ҳам унутмаган ҳолда, билганларимни ёзиб, юборяпман. Яна сендан қарз бўлиб юрмай-да!

Сенинг 29 ёшли мухлисинг: Зайнобидин.

— Ойи, кеча телевизордан урганиб, хурозни операция қилдим!  
— Е тава! Нима бўлди узи?  
— Операция муваффақиятли чиқди, сўйган жойимни тикиб кўйдим, патини юлмадим. Ҳозир хуроз судралиб юрибди!

ган?  
Бу саволга у жавоб топа олмай турганди, орқа партадаги дусту шивирлаб айтганидан сунг гапирди:  
— Наполеоннинг исмими, унинг исми Барно опа!

Козим чунтагидан бир дона конфет чиқариб уқитувчига имлаб, курсатди. — Тунунарли, конфетни куп еганингдан овозинг бугилибди-да! — деди уқитувчи унга. Шунда ёнидаги шериги туриб бошқача гап айтди:  
— Йўқ, тушунмабсиз. У мана шу конфетни Асрорга берсам, мен айтадиган купикни сизга айтади, демоқчи!

Мактабдан келаётган Адҳам йул чеккасида ётан бир мушукчани оёғи билан туртиб, ариқдаги сувга туширди-да, уни зудлик билан сувдан олиб деди:  
— Менга раҳмат дегин, сени улимдан кутқариб қолдим!

Биология уқитувчиси Аҳмадан суради:  
— Аҳмад сен чупон фарзандисан, куй неча йилгача яшаши мумкин?  
— Суйилгунга қадар куп йил яшайди!

**Абдуҳамид  
АБДУҒАППОРОВ,  
Тошкентдаги  
273-лицей-мактаб.**

Зирапча  
Ҳандалари

чи Нафисадан суради:

— Қани айт-чи, қизим, тугмасиз ва белбоғсиз халат ҳам буладими?  
— Булади, у еқавайрон куйлак!

Тарих дарсида Каримберди ёнидаги шеригини туртиб, гингиллаб ашула айтиб утирганди, уқитувчи унга куққисдан савол берди:  
— Наполеоннинг исми ким бул-

КИТОБААР



ФОЗ:

— Исмин билан ишим йўқ,  
Тергайдиган кишим йўқ.  
Сезгирликда подирман, —  
Соқчиликда қодирман.  
Билганимдан ҳаддимни  
Тик тутаман қаддимни!

## ҚАРЗ БЎЛИБ ҚОЛМАЙ

Онаси: — Қани Топшпулат, кеча даданг зинапоядан йиқилиб тушиб нима деди?

— Бемаъни сузларни қушмайми? Унда, унда ҳеч нима, — деди Топшпулат елкасини қисиб.

Мактабдан келган Топшпулатни дадаси гапга тутиб қолди:

— Қалай, янги келган уқитувчинг тузукмикан?  
— Менга жуда еқди-ю, лекин ёшимизда катта фарқ борда.

— Газетадаги эълонларга, хабарларга ишонсанми?  
— Булмасам-чи! Биз оғборхонага қоровул кераклиги ҳақида эълон ёзувдик, уша кунлик оғборни умариб кетишди.

Бир киши ресторанга киришдан олдин, соябонини эшик олдида шундай ёзув билан қолдирди «Бокс чемпиони қолдирди».

Ресторандан чиқиб, ёзувга дуч келди: «Югуриш чемпиони олди».

**Зайнобиддин ҚАХҲОРОВ,  
Андижон вилояти,  
Жалолқудук тумани.**



## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА  
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон  
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф  
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютеридида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0520.  
10960 нусхада босилди.  
Қозғ бичими — А-3.  
Босингга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30  
Набатчи муҳаррир О.Тухтаназаров

Рўйхатдан утиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
Нашир курсаткичи: № 64563

Телефон:  
33-44-25

